



MILLIY TIKLANISH

2 (115) 2011 йил 12 январь, чоршанба Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси
www. milliytiklanish.uz 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Соғлом она — соғлом келажак

Яқинда вилоят марказида янги бир шифо маскани — вилоят перинатал маркази ўз фаолиятини бошлади. Ушбу янги тиббиёт масканида беморлар учун жуда кўп қулайликлар яратилган. Перинатал марказ 6 та бўлим, 36 ўринли ҳомиладорлик, 24 ўринли гинекология, 10 ўринли хаста қақалоқлар, 6 ўринли жонлантириш ва 10 ўринли дундузги бўлимлардан иборат.



Тамаки ва алкоголь маҳсулотлар истеъмолини чеклаш бугунги куннинг долзарб вазифаси

Глобал дунёда кечаётган ўзгаришлар — инсон саломатлигига таҳдид солаётган иллатлар етарли эканлигини янада теранроқ англаш зарур. Масалан, дунёда алкоголь ва тамаки маҳсулотлар истеъмол қилишга муккасидан кетиш ҳолатлари учраб турибди.

Беғубор орзу — умидлар ижобати

У энг иқтидорли талаба сифатида Ўзбекистон Бадий академияси томонидан ўтказилган «Ёшлар — иллатларга қарши» танловида иштирок этиб, биринчи ўринни қўлга киритган бўлса, «Фонд-форум» уюштирган «Навқирон Ўзбекистон», «Style.uz.» кўрик-танловида эса сертификат ва дипломга сазовор бўлди.



6 НИГОХ

5 МАЪНАВИЯТ

8 КЎЗГУ

14 ЯНВАРЬ — ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА



O'zbekiston Respublikasi
31 avgust kuni e'lon qilingi
Aholisi - 27 million
Poytaxti Toshkent shahri
Xududi - 447.400 kv. km.
RESPUBLIKA
Qoraqalpog'iston Respubli-
Viloyatlar - 12, Tumanlar -
shu jumladan: Respublika
bo'ysunishida - 60, shahar

ПАРЛАМЕНТ ЭШИТУВИ

КУН ТАРТИБИДАН XXX ЁЗГИ ОЛИМПИАДА ВА XIV ПАРАЛИМПИАДА ЎЙНЛАРИГА ТАЙЁРГАРЛИК ҲОЛАТИ ЖОЙ ОЛДИ



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан "Ўзбекистон спортчиларини 2012 йил Лондон шаҳри (Буюк Британия)да бўлиб ўтадиган XXX ёзги Олимпиада ва XIV Паралимпиада ўйинларига тайёргарлик ҳолати" тўғрисида парламент эшитуви ўтказилди.

Унда Қонунчилик палатаси депутатлари, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, мутасадди вазирликлар, олимпиада ўйинлари турларига кирувчи республика спорт федерациялари раҳбарлари, вилоят маданият ва спорт ишлари

бошқарма бошлиқларининг ўринбосарлари ҳамда республика Олимпия захиралари коллежлари директорлари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этдилар. Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки кунларидан давлатимиз раҳбари Исро Каримов раҳнамолигида жисмоний тарбия ва спортга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи ва маданиятни тарғиб қилиш ва шакллантириш, миллий қадриятларимиз ҳисобланган миллий ўйинларимизни қайта кашф этиш ва уни жаҳон арена-ларига олиб чиқиш ҳамда спортни ривожлантириш орқали мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги мавқеини янада ошириш соҳадаги устувор вазифалар сифатида белгиланган.

МИЛЛИЙ АРМИЯМИЗ — МИЛЛАТ ҚЎРҒОНИ

Соҳибқирон Амир Темур бобомиз айтганидек, "Билаги зўр — бирни йиқар, билими зўр, онги баланд — мингни". Шу буюк ҳикматга таянган ҳолда, она-юртга, она-заминга садоқат билан, кимнинг авлоди эканини ҳаёлидан чиқармасдан, ҳаётда аниқ мақсад ва эътиқод билан яшайдиган ҳарбий инсон Қуролли Кучларимизнинг энг ишончли таянчи ва суянчи, энг катта бойлиги десак, ҳеч қандай хато бўлмайд.

Ислом КАРИМОВ

ТАҚДИМОТ

ЮРТИМИЗ ДУРДОНАСИ

Москва Давлат Шарқ музейида "Ўзбекистон жаҳоҳири" ҳужжатли фильмининг тақдими ўтказилди.

"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, мамлакатимизнинг Россия Федерациясидаги элчихонаси ҳамда Маржоний Фонди томонидан ташкил этилган "Ўзбекистон жаҳоҳири" фильмининг тақдимот маросимида 50 нафардан ортиқ мутахассислар, экспертлар, санъатшунослар қатнашди. Унда Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус шаҳридаги Давлат санъат музейи ҳамда мазкур музейни ташкилотчиларидан бири Игор Савицкий ҳақида ҳикоя қилинади.

Мазкур ҳужжатли фильмда Нукус шаҳридаги Давлат санъат музейини ташкил қилиниши тарихи, унда жамланган Ўзбекистон ва Россия халқ усталари, рассомлари яратган асарлардан иборат машҳур коллекция ҳақида сўз боради.

Фильм сценарийси пухта ёзилганлиги, режиссурасининг бойлиги, монтаж ишларининг қойилмақом бажарилганлиги билан катта таассурот қолдирди.

"Туркистон-пресс"

ЎҚУВ-СЕМИНАР

Бугун мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини барпо этиш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларимиз онгига ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.



ПАРТИЯ РАҲБАР КАДРЛАРИ

БИЛИМ ВА КЎНИКМАЛАРИНИ ОШИРИШ ЎЗМТДП ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ЖОНЛАНТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлашти-

риш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" мавзусидаги маърузаси юртимизда амалга оширилаётган демократик ислохотларни янада ривожлантириш ва фуқаролик жамияти барпо

этиш жараёнига муносиб баҳо бериш билан биргаликда сиёсий партиялар зиммасига ҳам масъулиятли вазифалар юклади.

3-бет

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ

ЮКСАК ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ — ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ПОЙДЕВОРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида Президент Ислом Каримов томонидан баён этилган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" - фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантиришнинг янги йўналишларини белгилаб берди.

Айниқса, "Концепция"даги фуқароларнинг ўзини ўзи бош-

қариш органларига тааллуқли фикр-ғоялар, тақлиф ва муло-

ҳазалар диққатга сазовордир. Бу соҳада фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида мавжуд қонунларни такомиллаштириш ва бир неча янги қонунлар қабул қилиш тақлиф этилган.

Шулардан бири "Ижтимоий шериклик тўғрисида" махсус қонун қабул қилиш тақлифидир.

4-бет

МТ

БУГУНГИ СОНДА:

ЖАРАЁН 2-бет
Миллий армиямиз — миллат қўрғони
"Ёш сиёсий билимдонлар"
ПАРТИЯ ҲАЁТИ 3-бет
Партия раҳбар кадрлари
Номи бору ўзи йўқ

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ 4-бет
Юксак ҳуқуқий маданият — демократик жамият пойдевори
Вояга етмаганлар
Биометрик паспорт — халқаро стандартларга мос
МАЪНАВИЯТ 5-бет
Тамаки ва алкоголь маҳсулотлар истеъмолини чеклаш

НИГОХ 6-бет
Таълимга бахшида умр
Ватанпарвар ёшлар — юрт келажиги
ХАЛҚАРО ҲАЁТ 7-бет
Орамиздаги ғаройиб одамлар
Дунёдан дараклар
КЎЗГУ 8-бет
Туризм тараққиёти йўлида

"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



ПАРТИЯ ҲАЁТИ

(Davomiy.
Bo'shi 1-betda)

● ЎҚУВ-СЕМИНАР



ПАРТИЯ РАҲБАР КАДРЛАРИ

БИЛИМ ВА КЎНИКМАЛАРИНИ ОШИРИШ ЎЗМТДП ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ЖОНЛАНТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

бир қатор маърузалар ҳавола этилди. Шунингдек, ўқув давомида "Бошқарув маҳоратини юксалтиришнинг устувор йўналишлари" мавзусида ҳам алоҳида машғулотлар олиб борилди. Бу эса раҳбар кадрга музокара юритиш техникаси, нутқ тайёрлаш ва ижро этиш маҳорати, мулоқот технологияларининг сир-асрорларини эгаллашда ҳам назарий, ҳам амалий билим ва кўникмаларни шакллантиришга хизмат қилади. Бундан ташқари иштирокчилар мамлакат хавфсизлигини таъминлаш ва ташқи сиёсатнинг устувор йўналишлари юзасидан ҳам қатор маърузалар тингладилар. Биз ўқув жараёнида тингловчиларнинг фикр-мулоҳазалари ва таассуротлари билан қизиқдик.

Зебо НЕЪМАТЖОНОВА,
ЎЗМТДП МК Ижроия
Кўмитаси девони хотин-қизлар фаоллигини ошириш масалалари бўлими етакчи мутахассиси:



– Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда сиёсий партиялар олдидаги вазифалар ҳамда "Жаҳон молиявий инқирози: Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари" асарининг мазмун-моҳияти ҳақида кенг тушунчалар берилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда демократик жараёнларнинг янада чуқурлашиб боришида сиёсий партиялар муҳим ўрин тутади. Шу боис, ўқув курси тингловчилари эътиборига Ўзбекистонда кўппартиявийлик тизимининг шаклланиши ва унинг ташкилий-ҳуқуқий асосларига доир

борада муҳтарам Президентимиз Ислам Каримовнинг мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган маърузаси келгуси иш фаолиятимиз учун муҳим дастуриламал бўлади.

Мусаллам УМИРОВА,
ЎЗМТДП Тошкент шаҳар кенгаши Ижроия кўмитаси девон раҳбари:



– Бугун мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаётида рўй бераётган янгиликлар ва ўзгаришлар ҳар бир фуқаро зиммасига ўзига хос масъулият юклаши шубҳасиз. Шу нуқтаи назардан мазкур ўқув-семинар ҳудудий партия ташкилотлари етакчиларини раҳбарлик бошқарувига қайта тайёрлаш, уларнинг ҳуқуқий ва сиёсий билим ҳамда кўникмаларини янада мустаҳкамлаш учун замин яратади.

Тингловчилар эътиборига ҳавола этиладиган мавзуларнинг мақсадли йўналтирилгани ишонимизга яна бир қарра танқидий таҳлилий назар солишимизга туртки бўлди. Интерфаол, бахс-мунозара асосида олиб борилган мазкур ўқув-семинар ЎЗМТДП маҳаллий кенгашлари фаолиятининг барча йўналишларида ўз самарасини бериши шубҳасиз.

Мансур ЮНУСОВ,
ЎЗМТДП Тошкент шаҳар Олмасор тумани кенгаши Ижроия кўмитаси раиси:

– Партия фаолияти узлуксиз тарғиботни талаб этади. Шу жиҳатдан мазкур тадбир жуда керакли ва ўринли пайтда ўтказил-



ди. Ўқув-семинар жараёнида фуқаролар ўртасида тарғибот-ташвиқот олиб боришда бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳолда музокара юритиш техникаси, мулоқот технологияси ва усулларида фойдаланиш сирларини ўргандик. Шунингдек, жойларда ўтказилган амалий машғулотлар давомида Тошкент шаҳридаги намунавий партия ташкилотлари фаолияти билан танишдик. Бу эса, айниқса, маҳаллий кенгашлар учун ўзаро тажриба алмашиш имкониятини бермоқда. Бундан ташқари семинар давомида олган янги тушунча, кўникма ва маълумотлар иш фаолиятимиз жараёнида асқотиши шубҳасиз.


Амона ХОЛИҚОВА,
ЎЗМТДП Қуйи Чирчиқ тумани кенгаши Ижроия кўмитаси раиси:



– Ўқув-семинарда Президентимиз Ислам Каримовнинг Бош қомусимиз қабул қилинганлигининг 18 йиллигига бағишланган тантанавий маросимдаги "Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилidir" номи маърузасида белгиланган вазифаларга ало-

ҳида эътибор қаратилди. Маълумки, Давлатимиз раҳбари тақлифига биноан 2011 йил "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилинди. Бу, ўз навбатида, маҳаллий кенгашлар зиммасига ҳам катта масъулият юқлайди. Ушбу вазифаларни бажариш жараёнида кичик бизнес вакиллари бўлган касаначилар, халқ усталари ва хунармандлардан иборат электротат манфаатларини ҳимоя қилишга, уларнинг сиёсий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган таъсирчан тадбирларни кўпайтиришимиз лозим. Бундан ташқари ўз устимизда янада кўпроқ ишлашимиз талаб этилади.

Абдураззоқ БУРЛИЕВ,
ЎЗМТДП Сирдарё тумани кенгаши Ижроия кўмитаси раиси ўринбосари:



– Мазкур ўқув-семинарда партия ташкилотлари фаолиятини янада ривожлантириш, ҳуқуқий, маънавий, иқтисодий, сиёсий билимларимиз даражасини ошириш, шу билан биргаликда партия гоё ва дастурларини тарғиб этишнинг янги услуб ва шакллари ўргандик. Шунингдек, Ўртбошимизнинг Парламент палаталарининг қўшма мажлисида сўзлаган маърузаларида партия олдида қўяётган вазифаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Ҳар томонлама пухта ўйланган ва жамиятнинг барча жабҳасига бирдек таъсир этадиган Концепция мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган вазифаларни бажаришимизда дастуриламал бўлади.

Қамолитдин ХОТАМОВ
"Milliy tiklanish" мухбири

● ХРОНИКА

АЁЛЛАР
ФАОЛЛИГИНИ
ОШИРИШБОРАСИДА ЖОЙЛАРДА
ҚАТОР ТАДБИРЛАР
ЎТКАЗИЛМОҚДА

АНДИЖОН

ЎЗМТДП Андижон шаҳар кенгаши "Аёллар қаноти" томонидан "Жамият ривожиди хотин-қизларнинг ўрни ва роли" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда вилоят кенгаши "Аёллар қаноти" аъзолари, халқ депутатлари Андижон шаҳар кенгаши депутатлари, "Қамолот" ЁИХ шаҳар бўлими ходимлари ҳамда "Фаробий ва Чўлпон 100 йиллиги" МФЙ фаоллари иштирок этди.

ЎЗМТДП Андижон шаҳар кенгаши "Аёллар қаноти" етакчиси Гулжаҳон Иномова хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, улар ўртасида ташаббускорликни кўллаб-қувватлашга қаратилган бундай тадбирларни янада кўпайтириш лозимлигини таъкидлади.

Давра суҳбати доирасида иштирокчилар эътиборига "Аёл – дунё кўзгуси" мавзусида умумтаълим мактаблари ўқитувчилари томонидан бадиий саҳна намойиш этилди. Унда бугунги кун аёлининг жамиятдаги, оила мустаҳкамлигида тутган ўрни, қизлар тарбияси, миллий либослар ва уларнинг аҳамияти каби қатор долзарб мавзулар ёритилди.

– Келажакимиз буюклигини таъминлаш ҳамда барқамол авлод тарбиясида аёлларнинг ўрни бекиёс, – деди халқ депутатлари Андижон шаҳар кенгаши депутати Мавжуда Ниёзматова. – Шу боис ёш қизларни миллий анъана ва маънавий меросимизга асосланган оилавий ҳаётга, барқамол оналикка тайёрлашимиз лозим. Шунингдек, уларнинг бандлигини таъминлашга кўмаклашиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратиш керак.

Тадбир сўнггида вилоятда меҳнат фаолияти билан намуна бўлиб келаётган бир-бир гуруҳ хотин-қизлар "Аёллар қаноти"нинг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

СИРДАРЁ

ЎЗМТДП Сардоба тумани кенгаши "Аёллар қаноти" "Хотин-қизларнинг оила ва жамиятдаги ўрни: ҳуқуқий кафолатлари ва уларнинг амалиётда қўлланилиши" мавзусида давра суҳбати ўтказди. Унда ЎЗМТДП Сардоба тумани кенгаши "Аёллар қаноти", туман хотин-қизлар кўмитаси, «Қамолот» ЁИХ туман кенгаши, туман маданият уйи ходимлари иштирок этди.

Тадбирда таъкидланганидек, истиқлол йилларида аёлларнинг истеъдоди, билим ва интилишларини рўёбга чиқариш йўлида олиб борилаётган саяёҳаракатларнинг самараси ўлароқ уларнинг жамият, оила, ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги иштироки ва ўрни янада ошиб бормоқда.

Давра суҳбатиде туман кенгаши томонидан бу борада амалга оширилаётган ишларни янада жадаллаштириш лозимлиги таъкидланди.

Ўз мухбиримиз

● ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ

Бундан бир йил муқаддам "Адолат" СДПдан кўрсатилган номзодлар ўз сайловолди учрашувариде сайловчиларга каттадан-катта ваъдалар беришганди. Жумладан, жамият ҳаётининг барча соҳаларида қонулар мукамал ишлаши, адолатли жамият барпо этишда қонун устуворлигига эришиш энг аввало, партиянинг бош мақсади эканлиги қайд этилган эди.

Биз "Адолат" СДПнинг сайловолди дастурида назарда тутилган ана шу эзгу мақсадлар Иштихон туманида қандай амалга оширилаётгани билан қизиқдик. Маълумки, халқ депутатлари туман кенгашлари сессиялари протоколлари туман ҳокимликларида сақланади. Шу боис, дастлаб туман ҳокимлиги ташкилий назорат гуруҳи бош мутахассиси Жамшид Бегалиевга мурожаат қилдик ва у билан бўлган суҳбатимиз куйидагича кечди:

– "Адолат" СДП туман

кенгаши раиси ким, у киши яна қандай вазифада ишлайди?

– Раиси Мўмин Чинниев, нафақада.

– Халқ депутатлари туман кенгашлари сессияларида адолатчиларнинг иштироки, мавқеи қай даражада бўлмоқда? Улар сессияларда туман ахлини ўйлантираётган, ҳудудларга хос бўлган қандай муаммоларни долзарб ҳисоблашмоқда? Ўтган "Барқамол авлод йили" Давлат дастури ижросини таъминлашда қандай

НОМИ БОРУ ЎЗИ ЙЎҚ

ташаббуслар кўрсатишди?

– Ҳеч қандай!
– Тушунмадик, нега бундай деяпсиз! Лоақал бироз жўяли ташаббус билан чиқишгандир, элнинг бирор қорига ярашгандир. Ҳеч бўлмаганда аҳоли ўртасида мустақиллик гоғларини, адолат устувор бўладиган жамият қуриш йўлида мамлакатимизда катта ишлар қилинаётганини, уни кадрлаш, ёшлар онгига сингдириш бўйича тадбирлар ўтказгандир?

– Аввало, шуни эътиборга олишларингиз лозимки, "Адолат" СДП сайловларда фаол иштирок этмади. Шу сабабли туман кенгаши депутатлигига биргина номзод сайланди. Партиянинг депутатлик гуруҳи бўлмагач, у қандай қилиб

сессияларда фаол иштирок этиши, масалаларни кун тартибига дадил қўйиши мумкин? Шу пайтгача туман кенгашининг беш маротаба сессияси бўлиб ўтди. Ушбу сессияларда муҳим масалалар муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди. Бу борада "Адолат" СДПнинг ўрни ҳам, овози ҳам сезилган эмас...

Аввалига, туман ҳокимлиги ходими ушбу партияга хайри-хоҳ бўлмаса керак, шу сабабли ноҳилис фикрлар билдираяпти, деган ҳаёлга ҳам бордик. Бирок, у киши келтирган далиллар, бўлиб ўтган кенгашлар тўғрисидаги ҳужжатларни кўздан кечиргач гумонларга ўрин қолдирмади.

Хуллас, Қулчара сайлов округидан туман кенгашига "Адолат" СДПдан сайланган яққало ягона депутат Даврон Абдусаматов билан учрашишга қарор қилдик. Халқи-

мизда "Якка отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса ҳам донги чиқмас" деган нақл бор. Шундай бўлса ҳам 69-умумтаълим мактаби директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Даврон Абдусаматовни иш жойидан топдик, суҳбатлашдик ва ишонч ҳосил қилдикки, Жамшид Бегалиев тамоман ҳақ эди.

Қулчара сайлов округи ҳудудида сайловга қадар мавжуд бўлган муаммолар ҳамон муаммолигича қолмоқда.

– Худудда учта 69-, 72-, 77-умумтаълим мактаблари мавжуд. Мазкур таълим даргоҳларини қишда иситишда ҳам айрим муаммолар мавжуд, – дейди депутат Даврон Абдусаматов. – Одамларимиз, яъни "Қулчара", "Тинибек" маҳаллалари ахлини маиший хизмат кўрсатиш соҳаларидаги сарсонгар-

чиликлар ҳам қийнаб келмоқда. Ушбу маҳаллалар туман марказидан 15-20 қақирим узоқликда жойлашган. Қишлоқларимизда суратхона, гўзаллик саломи, сартарошхона, пойафзал таъмирлаш, тикувчилик, енгил автомашиналар таъмири сингари хизмат турлари ташкил этилмаган. Шу сабабли одамлар Орлот бозори бўладиган кунда ўша жойга, бошқа пайтлари эса туман марказига боришга мажбур бўлишадилар. Менинг эса депутат сифатида қўлим қалта, овозим тош босмайди...

Даврон Абдусаматов билан суҳбатимиз чоғида аён бўлдики, у киши партия аъзоси эмас, лекин "Адолат" партиясининг номзоди сифатида депутатликка сайланган. Демократизм, у кишининг номзоди қайси партиядан кўрсатилишидан қатъий назар маҳалла аҳли ўртасидаги обрў-эътибори туфайли етарлича овоз олган. Шу боис депутат партиянинг сиёсий мақсади-ларидан, Ҳаракат дастури-

дан хабардор ҳам эмас. Биз у кишидан партиянинг асосий мақсад ва гоғлари нималарга қаратилган, деган саволимизга лом-мим ҳам демагани шундай дейишимизни асослайди. Унинг партия туман кенгаши билан алоқада эмаслиги, кенгаш раисини танимаслиги, у билан мулоқотда бўлишга қизиқмаслиги ҳам фикримизни исботлайди.

Туман газетаси "Иштихон овози" таҳлавларини варақларканмиз, сайловлардан бўён ўтган даврда "Адолат" СДП, унинг фаолиятига тегишли бирорта ҳам мақола-на учратмадик. Бу эса ушбу партиянинг тумандаги мавқеи ҳаминқадар эканлигини яна бир қарра тасдиқлайди. Унинг борлигини ҳам, йўқлигини ҳам кенг жамоатчилик билимайди. Бу эса "Адолат" СДП туманда номи бору ўзи йўқ партия сифатида рўйхатларда турганидан далолат беради.

Ориф ХОЛИҚУЛОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

● ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ

ЮКСАК ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ — ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ПОЙДЕВОРИ

(Давоми.
Боши 1-бетда)

Маълумки, истиқлол даврида давлатнинг айрим ваколатларини босқичма-босқич фуқаролар жамияти институтларига ўтказиб бориш сиёсати амалга оширилмоқда. Бу мамлакатни демократлаштиришнинг оқилона йўлидир. Мана шу тажриба табиий равишда давлат ташкилотлари билан нодавлат-нотижорат ташкилотлар, шу жумладан, фуқаролар йиғинларининг ҳам шериклик муносабатларини тақозо этмоқда ва шакллантирмоқда.

Биринчидан, давлат ҳокимияти органлари билан фуқаролар йиғинлари ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини биргаликда амалга оширадиган. Иккинчидан, гуманитар муаммоларни биргаликда ҳал этадилар. Учинчидан, мамлакатимиз аҳолиси турли қатламларининг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилишда нодавлат-нотижорат ташкилотларнинг, шу жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг давлат тузилмалари билан ўзаро ҳамкорлиги мавжуд ҳамда буни изчил такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир. Айни пайтда, ана шу уйғунлиқни сақлаган ҳолда, “ўзаро муносабатлардаги аниқ чегараларни белгилаш” ҳам талаб этилмоқда.

Давлат ҳокимияти органларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига аралашмаслиги ҳақидаги айрим чегаралар “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги ҳамда “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги Қонунларда белгиланган. Лекин, баъзи ҳолларда амалда ушбу чегаралар сақланишига қатъий риоя этилмайди. Бир томондан, давлат ҳокимияти органларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига ўз таъсирини ўтказишдан тийилмаслиги ҳолатлари учраб туради. Иккинчи томондан, айрим фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг тўлақонли мустақил фаолият юритишга лаёқатсизлиги, бунинг оқибатида эса, давлат ҳокимияти органларига моддий ва фикрий бокимандаллиги ҳолатлари яққол сезилиб туради. Бундай вазият ҳар икки томонда ҳуқуқий маданият қиёмага етмагандан далолат беради ва бу шериклар ўртасидаги соғлом манфаатлар мувозанатига путур етказиши. Тўртинчидан, мантикий равишда, ташкилий-ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш тақозо этилади. Яъни, давлат ҳокимияти органлари билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги ўзаро шериклик муносабатлари, ҳамкорлик фаолиятининг уйғун, муштарак томонлари, шу билан бирга, мустақил, фариш, чегаравий хусусиятлари янги қабул қилинадиган “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонун ҳужжатларида аниқ акс этиши кўзда тутилади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти — маҳалла фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, унинг вазифалари қўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ўзаро яқин муносабатларини таъминлаш “Концепция” муаллифининг диққат марказида туради. “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш

риш органлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўйидаги йўналишлардан ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилади. Бунда, аввало, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш назарда тутилади. Бу янги бозор иқтисодиёти муносабатлари тақозо этадиган қонуний ҳолдир. Оилаларнинг мумкин қадар ўз бизнесларини яраттишлари ва бозор билан боғланишлари, биринчи галда, уларнинг ўзларини иқтисодий инкироздан муҳофаза этади. Қолаверса, кенг миқёсда оилавий бизнеснинг шакллантирилиши маҳалла ва мамлакат фаровонлигига наф келтиради. Қонунга киритиладиган қўшимча ва ўзгартишларда маҳалланинг давлат бошқарув органлари устидан жамоатчилик назорати олиб бориш тизимидаги вазифаларини янада кенгайтиришга жиддий эътибор қаратилган.

Маълумки, маҳаллаларимизда оқсоқоллар ва уларнинг маслаҳатчилари энг муносиб фуқаролар ичидан сайланади. Лекин баъзи ҳолларда фуқароларнинг юксак ҳуқуқий маданияти, фуқаровий етук онги асосидаги ижтимоий фаоллиги етишмаслиги натижасида масъулиятни ўз бўйига олишга охиш, ташаббус кўрсата олиш қобилияти паст одамлар ҳам оқсоқоллик ёки маслаҳатчиликка сайланиб қолмоқдалар. Бунда бир томондан, давлат ҳокимияти органлари ўзларига маъқул номзодларни ўтказишга ҳаракат қилсалар, иккинчи томондан, миллий менталитетимиздаги маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, таниш-билишчилик иллатлари ўзининг салбий оқибатларини кўрсатмоқда. Натижада, ўша маҳалланинг ривожланиши қийин кечади. “Концепция”да “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ана шундай муаммоларни бартараф этишга йўналтирилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилган.

Қонунчилигимизда “Фуқаровий назорат”, “жамоатчилик назорати” каби тушунчалар мавжуд бўлишига қарамаддан, айрим ҳолларда жамоатчилик назорати пасайиб кетди. 2005 йили бир маҳаллада маҳалла ҳовлиси ва идораси таъмири бахонасида катта темир дарвоза мутасаддилар томонидан йўқотиб юборилди. Анча пайтгача бунга ҳеч ким эътибор бермади. Кейинчалик бир зиёли фуқаро маҳалла дарвозасини топтириб ўз ўрнига ўрнатишни талаб қилиб чиқди ва тегишли идораларга мурожаат қилди. Лекин, жамоатчиликнинг лоқайдлиги туфайли уяқаланиб қолди. Эски дарвоза умуман топилмади. Ўрнига янги дарвоза ўрнаттириш ҳам осон бўлмади. Зиёли бўш келмагач, охири асл дарвозани ўмарган кимсалар маҳалла ҳовлисига ярашмайдиган бошқа бир эски ва кўримсиз дарвозачани келтириб ўрнатишга мажбур бўлдилар. Бироқ ҳақиқатни талаб қилган зиёлини “ёзувчи” деб ҳақоратлаб, ёмон олтиқ қилишга ҳаракат қилдилар. Ҳаётда бир маҳалла беш йил бедарвоза қолиб кетса ҳам, жамоатчилик кўриб кўрмаганга, билиб билимаганга олиб юриши мумкин экан. Қизиги шунда бўлдики, маҳалла бедарвоза турган пайтларда ҳокимият органлари томонидан “Маҳалла бедарвоза

эмас. Ўз уйингни ўзинг асра” ёзувли кўргазма тарқатилди. Маҳалла мутасаддилари уни маҳалла бедарвоза турганлиги учун нонвойона ичига яшириб қўйдилар.

Бундай маънавий-ҳуқуқий инкироз олдини олиш учун ҳам Президент Ислам Каримов: “Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиш фурсати етди, — деб ёзади. Қонунда жамоатчилик назоратининг турлари, шакллари ва субъектларини, назорат предмети, уни амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмларини, шунингдек, мазкур соҳада амалдаги қонун ҳужжатларини ижро этмагани учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлик шартларини белгилаб қўйиш зарур.

Шунингдек, “Экологик назорат тўғрисида”ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш таклиф этиладики, у атроф-муҳитни ҳимоя қилишни таъминлаш тизимида маҳалла институтининг роли ва ўрнини белгилашга ҳам қаратилгандир. Дарҳақиқат, бундай қонунга ҳам эътиёж жуда катта. Мамлакатимизнинг гўзал табиатида бутун дунё ҳавас қилади. Лекин, ўзимиз қадрига етмаймиз. Азим пойтахтимиз Тошкент марказидан оқиб ўтадиган анҳорнинг аҳолига, айниқса, ёзда ачиниб кетасан, киши. Тонгги соат олтиларидан анҳор тоза оқади. Ундан кейин эса ахлат, хас-хашақлар, турлича ёғоч, дарахтларнинг шох-шаббалари оқиб кела бошлайди. Ахир, анҳор суви битмас-туганмас табиий бойликларимиздан, ўлкамизнинг гўзаллик тимсолларидан бири-ку! Наҳотки, унинг тозаллигини асрашга давлат ва жамоатчиликнинг кучи етмас-а?! Маҳалламизда эгасиз қолиб кетган бир гилос дарахти бор. У кўкда гўллаб, шигил мева солади. Бироқ, ҳали мевалари қизаринкирамай, ўткинчи мактаб болалари уни хомталаб қилиб, шохларини синдириб кетишади. Бундай табиатга шафқатсиз муносабатга, албатта, ҳуқуқий чора кўриш керак. Хатто, бундан 3000 йил аввал аждодларимиз яратган муқаддас “Авесто” китобида дарахтнинг шохини синдирган киши учун 600, дарахтни бутунлай nobуд қилган кимса учун эса 1000 қамчи назорат белгиланган. Экологик ҳазор ҳам жамоатчилик назоратининг бир тури бўлиб, у ўз уйимиз, ҳовлимиз, маҳалламиз, шаҳримиз, мамлакатимиз табиати ва табиий муҳитини асраб авайлашнинг қонуний, ҳуқуқий механизмининг англатиши.

Хуллас, ушбу “Концепция”да маҳалла институтини ривожлантириш мисолида ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш ҳамда янада такомиллаштириш муаммоларининг ҳаётбахш ҳуқуқий ечимлари билан қанчалик ҳуқуқий саводхонлик билан англаб етиши, ҳуқуқий маданият билан амалга оширишига боғлиқдир. Зотан, Президентимиз сабоқ берганларидек: “Юксак ҳуқуқий маданият — демократик жамият пойдевори ва ҳуқуқий тизимнинг етуқлик кўрсаткичидир”.

Нусратулло ЖУМАЎЖА,
филология фанлари доктори, Тошкент Давлат Юридик институти профессори

● ҚОНУН ВА ШАРҲ

Мамлакатимизда давлат ва жамият қурилишининг муҳим масалаларини ҳал этишга йўналтирилган мустақкам қонунчилик базаси изчил равишда такомиллаштириб бормоқда. Жумладан, ижтимоий муаммоларни самарали ҳал қилишга йўналтирилган бир қатор қонун ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, амалиётга татбиқ этилмоқда. “Баркамол авлод йили” Давлат дастури асосида қабул қилинган “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ана шулар сирасига кириди.

Мазкур қонун вояга етмаганларнинг назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарлиги профилактикаси соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган. Шунингдек, у ўсиб келаётган ёш авлод ўртасида тарбиявий ишлар самарадорлигини янги даражага кўтариш имконини беради.

Қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда болалар ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимоя қилиниши ва халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига қатъий риоя этилишига алоҳида эътибор қаратилаётганининг ёрқин далилидир.

Қонунда вояга етмаганлар назоратсизлиги, ҳуқуқбузарликлари профилактикаси тизими органлари ва муассасалари фаолиятининг асосий вазифалари, принциплари, йўналишлари, вояга етмаганлар ва уларнинг оилалари билан яқна тартибдаги профилактика ишларини ташкил этиш асослари тартиб, ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганларнинг ҳуқуқий мақоми ва уларни ижтимоий-ҳуқуқий ва педагогик реабилитация қилиш тартиби белгиланган.

Мамлакатимизда интеллектуал салоҳиятни, маънавий баркамол, жисмонан соғлом авлод тарбиялаб вояга етказиш масаласига долзарб вазифалардан бири сифатида қаралмоқда. Мустақилликнинг илк йиллариданоқ болаликни муҳофаза қилиш тўғрисида қатор қонунлар, норматив ҳужжатлар қабул қилинди. Болалар манфаатини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари шаклланди.

Айтиш жоизки, баркамол авлодни вояга етказиш борасида амалга оширилаётган барча ишлар ёшларнинг маънан етук, жисмонан бақувват бўлишларига қаратилган. Ўзбекистон

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР

ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Республикаси Конституциясининг ўндан ортиқ моддаси, “Ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги, “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунлар ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга хизмат қилмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенциянинг 2 та қўшимча протоколи ва Халқаро Меҳнат Ташкилотининг 138- ва 182-Конвенцияларини ратификация қилди.

Ёшларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, ўсимлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини мустақкамлаш, отаналар, васийлик ҳамда ҳомийлик органларининг ёш авлод тарбияси учун масъулиятини ошириш юзасидан амалга оширилаётган тизимли ва изчил чора-тадбирлар вояга етмаганлар ўртасида қримноген вазиятни тубдан яхшилаш имконини бермоқда.

“Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги қонун қабул қилинганга қадар соҳадаги масалалар ҳукумат қарорлари, алоқадор вазирлик ва идораларнинг идоравий ҳужжатлари билан тартибга солинган. Бу эса мазкур муаммоларни ҳал қилишга мутасадди бўлган идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш, тизимли ёндашиш ва иш самарадорлигини оширишга етарли имкон бермас эди. Шу нуқтаи назардан ҳам “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузар-

ликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши соҳада амалга оширилаётган ишларни янада яхшилашга хизмат қилади.

Қонунда вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарлик профилактикасини амалга оширувчи орган ва муассасаларнинг вазифа ва ваколатлари, ўзаро ҳамкорликда ишлаши ҳамда ахборот алмашиш механизми аниқ белгилаб берилган. Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар, ички ишлар органлари, ички ишлар органларининг вояга етмаганлар ўртасида

даги профилактика ишини ташкил этиш тартиби ва механизми аниқ белгиланган. Шунингдек, вояга етмаганларни ижтимоий ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази ва ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига жойлаштириш, иш юритиш ва кўриб чиқиш тартибини процессуал механизми яратилган.

Бугунги кунда мамлакатимизда 18 ёшгача бўлган ёшлар умумий аҳолининг 40 фоизини ташкил этади. Шу боис вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг ус-тувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Баркамол авлод-

ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси бўлиналари, вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари, таълимни бошқариш органлари ва таълим муассасалари, ихтисослаштириш ўқув-тарбия муассасалари, васийлик ва ҳомийлик органлари, соғлиқни сақлаш орган ва муассасалари, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари, маданият ва спорт муассасалари, туризм соҳасидаги ташкилот ва оммавий ахборот воситалари ана шундай орган ва муассасалар сирасига киритилган.

Шунингдек, қонунда вояга етмаганларни маънавий, ахлоқий, ҳуқуқий, эстетик, жисмоний ва меҳнат тарбияси, соғлом турмуш тарзи ва соғлом оилаларни шакллантиришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг иштироки алоҳида белгилаб берилган.

Қонунда вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарлик профилактикаси тўғрисида “ги” қонун қабул қилинганга қадар соҳадаги масалалар ҳукумат қарорлари, алоқадор вазирлик ва идораларнинг идоравий ҳужжатлари билан тартибга солинган. Бу эса мазкур муаммоларни ҳал қилишга мутасадди бўлган идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш, тизимли ёндашиш ва иш самарадорлигини оширишга етарли имкон бермас эди. Шу нуқтаи назардан ҳам “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузар-

ни шакллантириш йўлида амалга оширилаётган барча ишлар замирида келажакка, Ватан тақдирига масъулият ётади.

Мустақиллик йилларида вояга етмаганлар ҳуқуқларида доир қабул қилинган 100 дан ортиқ қонун ҳужжатлари халқаро стандартларга тўла мос келади. Ўзбекистон ёш авлод ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга оид 38 та халқаро ҳужжатнинг иштирокчиси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 45-моддасига асосан вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир. Шунингдек, асосий Қонунимизнинг 64-моддасида ота-оналар ўз фарзандларини вояга еттурилга қадар боқиб ва тарбиялашга мажбурлиги белгиланган.

Вилоят адлия бошқармаси томонидан алоқадор идора ва муассасалар билан ҳамкорликда 2010 йилнинг 11 ойи мобайнида 181 маротаба ҳуқуқий тартибдор тадбирлари амалга оширилди. Жумладан, телевидениеда 9, радиода 16 маротаба чиқишлар қилинди, босма нашрларда 11 та мақола chop этилди. Шунингдек, турли муассаса ва идораларда 110 та маъруза қилинди, 35 та давра суҳбати ўтказилди.

О.НОРБОЕВ,
Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари
Б.АШУРОВ,
бошқарма катта маслаҳатчиси

● ДОЛЗАРБ МАВЗУ

БИОМЕТРИК ПАСПОРТ — ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРГА МОС

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги фуқаролик паспорти 1995 йил 1 январда жорий этилган эди. Шунинг қайд этиш лозимки, бугунги глобализм даври, электрон тизимли ишлаш механизми барча давлатлар олдига талай талаблар қўймоқда.

Халқаро фуқаро авиацияси (ИКАО) ташкилотининг Ассамблеясининг 2004 йилдаги қарорига мувофиқ, ушбу ташкилотга аъзо давлатларга эгаларининг шахсий биометрик параметрлари ва белгиланган маълумотлар ҳақида электрон ахборот жамланган, юқори ҳимоя даражасига эга фуқаро паспортларининг жорий этилиши тавсия қилинган эди. Айни вақтда юздан ортиқ ривожланган давлатларда замонавий ахборот технологиялар ёрдамида тайёрланган биометрик параметрли паспортлар жорий этилганини бу тизимнинг замонавийлиги ва қулайлигини тасдиқлайди.

2009 йил 23 июндаги Республика Президентининг “Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда жорий йил 5 январдаги “Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонлар бево-сита юртимизда янги паспорт тизимига ўтишга бўлган сазй-ҳаракатнинг дебосаси бўлди. Юртбошимизнинг кейинги фармонида

юртимизда 2015 йилнинг охиригача паспортлаштиришнинг ушбу замонавий тизимига тўлиқ ўтилиши белгиланган.

Шу муносабат билан Республика ИИБ Хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси марказ бошлиғи Нажмиддин Тўраҳўжаев билан халқаро стандартларга жавоб берадиган паспорт тизимининг афзалликлари, фуқароларга яратиладиган қулайлик ва уни расмийлаштириш жараёни хусусида суҳбатлашдик.

Биометрик маълумотга эга бўлган янги намунадаги паспортнинг жорий этилишига қатор омиллар сабаб бўлди, — дейди суҳбатдошимиз. — Хусусан, “ИКАО” Халқаро фуқаролик авиацияси ташкилотига аъзо давлатлар фуқаролари биометрик паспортга эга бўлиш шартлиги, паспорт-виза ҳужжатларини хавфсизлигини таъминлаш, уларни қалбақлаштиришнинг олдини олиш ҳамда паспорт-виза ҳужжатларини ҳимоя тизимини қучайтириш, фуқароларни барча мамлакатларда эркин ҳаракатланишини таъминлаш, давлат чегарасидан ўтишда шахсони тезкор ва аниқ идентификация-

лаш механизмининг такомиллаштириш, халқаро авиаташишлар сифати ва самарадорлигини ошириш шулар жумласидандир. Ушбу паспортнинг қалбақлаштиришга йўл қўймаслик учун асосий ва қўшимча ҳимоя элементлари киритилган. Махсус ҳимоя тизими ИКАО ташкилотининг тавсиялари асосида жорий этилмоқда. Мазкур паспортнинг ҳимоя тизимини мукамаллиги сохталаштиришнинг олдини олишга қаратилганлиги билан эътиборлидир.

— **Биометрик паспортда шахсининг биометрик параметрлари, уларни тўплаш қайси тартибда амалга оширилади?**

— Янги паспортта шахснинг биометрик маълумотлари жумладан, рақамли фотосурати, бармоқ изларининг электрон нусхалари махсус қурилма орқали паспорт билансига жойлаштирилади. Махсус чипда учта ҳужжат, Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти, Ўзбекистон Республикасининг дипломатик паспорти ҳамда фуқароларни бўлмаган шахсларнинг ҳаракатланиши учун ҳужжат бўлиши лозим. Ҳозир ушбу жараёнинг меъёрий асосларини тайёрлаш бўйича иш олиб бориляпти. Паспорт тизими тўғрисидаги янги Низом Президентимиз фармонлари билан тасдиқланди, шу билан бирга, Фармон талабларидан келиб чиққан ҳолда, амалдаги бошқа меъёрий ҳужжатларга

тегишли ўзгартиришлар киритиш ишлари давом эттирилмоқда.

Аҳолини амалдаги фуқаролик паспортини янги турдаги биометрик паспортга алмаштириш икки босқичда амалга оширилади. Биринчисида, республика вазирликлари, идоралари ва муассасалари хизматчиларига, хорижга чиқаётган ёки чет элдан жисмоний шахсларга, ўн олти ёшга тўлган ёшларга ва қонунчиликда кўзда тутилган бошқа сабабларга кўра паспорт берилса, иккинчи босқичда, (2012-2015 йилларда) қонунчиликда белгиланган тартиб бўйича республика миқозининг барча фуқароларига янги паспорт топширилади.

— **Бошқа давлатда яшаётган, таълим олаётган ёки чет элда меҳнат қилаётган фуқароларимизнинг биометрик паспорт олиши қандай амалга оширилади?**

— Хорижда домий яшаётган, ишлаётган ва ўқиган республика миқозининг биометрик паспортини олиш бўйича Ўзбекистоннинг хориждаги дипломатик ва консулхоналари ва консуллик муассасаларига мурожаат қилишлари мумкин. Ҳозирда Республика Ташқи ишлар вазирлиги томонидан хориждаги дипломатик ва консулхона ва консуллик муассасаларида фуқароларимизни биометрик паспорт билан таъминлаш бўйича шaroит яратиш борасида чора-тадбирлар қўриляпти.

Фармонда республикамиз фуқароларининг биометрик маълумотларини йиғиш вазифаси ички ишлар идораларининг хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш хизматига юклатилган. Шу ўринда айтиш лозимки, аҳолини рўйхатга олиш ва чиқариш ишлари биометрик паспорт олиш жараёнида ҳам ҳозирги амалдаги қонунчилик асосида амалга оширилади.

Наргиза АСАДОВА

тоб ўқиш, спорт ёки санъат учун ажратилса, болани келажакда қанчалик ютуқлар кутишини аниқлаш мушкул эмас.

● Бугунги кунда тамаки чекувчилар сони сайёраимиз аҳолисининг қарийб ярмига тенглашган. Унинг йиллик иқтисодий зарари эса 200 миллиард АҚШ долларидан кам эмас.

НИГОХ

● ТИББИЙ ХИЗМАТ

Мамлакатимизда репродуктив саломатлиқни мустаҳкамлаш масаласига катта эътибор қаратиляпти. Зеро, репродуктив саломатлик билан боғлиқ муаммолар оналар ва болалар хасталиклари асосий сабаб бўлади. Она соғлом бўлса, фарзанд соғлом бўлади. Соғлом онадан соғлом фарзанд дунёга келади. Шу боис ҳам юртимизда оналар ва болалар саломатлиги муҳофазаси доимий эътиборда.

СОҒЛОМ ОНА —
СОҒЛОМ КЕЛАЖАК

Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1998 йил 1 апрелда тасдиқланган "Она ва бола скрининги" Давлат дастури бу борада муҳим омил бўлмоқда. Дастур ижросини таъминлаш мақсадида ўтган йиллар давомида юртимизда бир қатор ишлар амалга оширилди. Мамлакатимизнинг барча вилоятлари

да скрининг марказлари фаолияти йўлга қўйилди. Ушбу шифо масканлари энг замонавий таъхис аппаратлари, тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланиб, юқори малакали шифокорлар хизмат кўрсатмоқда. Шифохоналарда кўплаб аёллар ва гўдаклар малакали тиббий хизматдан самарали фойда-

ланмоқда. Жумладан, тўрт юз мингдан зиёд чақалоқ неонатал, 8 мингдан ошди ҳомиладор аёллар перинатал скринингдан ўтказилди. Турли хасталикларга чалинган ҳомиладор аёллар, ёш оналар, янги туғилган чақалоқлар соғломлаштирилди ва улар доимий равишда диспансер назорати остига олинди.

Юртимиздаги эл-юрт саломатлиги муҳофазасига қаратилган бундай хайрли ишларнинг кўлами ниҳоятда кенг. Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 13 апрелдаги "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ва "2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорлар бу борада дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Сирдарё вилоятида ҳам соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Яқинда вилоят марказида янги бир шифо маскани – вилоят перинатал маркази ўз фаолиятини бошлади.

Ушбу янги тиббиёт масканида беморлар учун жуда кўп қулайликлар яратилган. Перинатал марказ 6 та бўлим, 36 ўринли ҳомиладорлик, 24 ўринли гинекология, 10 ўринли хаста чақалоқлар, 6 ўринли жонлантириш ва 10 ўринли кундузги бўлимлардан иборат. Бундан ташқари, ушбу мажмуадан репродуктив саломатлик маркази, лаборатория, диагностика ва тиббий хоналар ўрин олган. Марказ Осиё тараққиёти банки ҳамкорлигида 271.314.054 миллион сўмлик замонавий тиббиёт жиҳозлари билан таъминланди.

Мамлакатимизда эл-юрт саломатлигини асрашга қаратилган бундай катта гамхўрлик ва юксак эътибордан барча беҳад мамнун. Бундай юксак гамхўрлик ва тиббиёт соҳасида изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар ўзининг ижобий самарасини бериши шубҳасиз.

Анорбой НОРКУЛОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

● ИБРАТ

ТАЪЛИМГА БАХШИДА УМР

Шундай олимлар борки, исм-фамилиясининг ўзиёқ кўп нарсани аңлатади, илмий салоҳиятидан дарак бериб туради. Таниқли олим, фалсафа фанлари номзоди, Ажиниёз номидаги Нукус Давлат педагогика институтини доценти Сапардурди Аббаев ана шундай олимлардан бири. У қарийб эллик йилдан бери Қорақалпоғистоннинг илм-фани, олий таълими соҳасида меҳнат қилиб келмоқда.

Сапардурди Аббаевнинг ҳаёт йўли оддий. Болалиги иккинчи жаҳон уруши йилларида тўғри келади. Отаси халок бўлган, онаси кўлида тарбияланди. Ҳамма қатори мактабда ўқиди. Сўнг Тўрткўлдига педагогика билим юртида таълимни давом эттирди. Уни битиргач, йўлланма билан Шуманай туманидаги мактаблардан бирида дарс беради. Кейинчалик Қорақалпоқ Давлат педагогика институтининг табиатшунослик ва география факультетида тахсил олади. Бироз ўтгач, ЎзРФА Қорақалпоғистон филиалининг Н.Давқораев номидаги тарих, тил ва адабиёт институти фалсафа бўлимига ишга киради. Сапардурди Аббаевнинг илмий фаолияти ана шундан кейин бошланади. Аввал ЎзРФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти аспирантурасига қабул қилинади ва академик М.Хайруллаев илмий раҳбарлигида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилади. Яна Нукусга қайтиб, илмий тадқиқот институтининг фалсафа бўлимида фаолиятини давом эттиради. Кейинроқ олим Нукус Давлат университети, сўнг педагогика институтига ишга ўтади. Дастлаб доцент, кейин "Ижтимоий фанлар" кафедраси мудири лавозимларида ишлайди. Сапардурди Аббаев ҳозир ҳам кафедранинг энг тажрибали профессор-ўқитув-

чилари ва олимлари сафида ёшларга таълим-тарбия бериб келмоқда.

С.Аббаевнинг олим сифатидаги илмий фаолияти ҳам мактовга лойиқ. У ҳозирга қадар ўзбек, қорақалпоқ, туркман ва рус тилларида йигирмага яқин китоб, икки юздан ортиқ илмий мақола эълон қилди. Олимнинг рисоалари, мақолалари Нукусдан ташқари Тошкент, Москва, Ашхобод, Киев шаҳарларининг нуфузли нашрларида чоп этилган, илмий жамоатчиликнинг ижобий баҳосини олди. Агар бу рўйхатга унинг университет ва педагогика институти талабалари, профессор-ўқитувчилари учун мўлжаллаб нашрдан чиқарган ўқув қўлланмалари ва дастурларини ҳам киритсак муаллиф меҳнатининг натижалари қанчалик салмоқли экани аққол намоён бўлади.

Мустақиллик барча ижодкорлар қатори С.Аббаев учун ҳам эмин-эркин фикрлаш, ёзиш ҳуқуқини берди. Олим бу имкониятдан яхши фойдаланди ва давр руҳи акс этган қатор рисоалар, мақолалар ёзди. Айниқса, унинг диношуносликка оид тадқиқотлари кўпчилигининг диққатини тортди. Биласизки, истиқлолнинг дастлабки йиллариданқоқ ўзликни аңлаш, миллий кадриятларга қайтиш, шўро даврида таъқиқланган маънавий-ахлоқий удум-

ларни қайта тиклаш, тарғиб қилиш, халқимиз онгига сингдириш каби долзарб масалалар олимлар ва ижодкорлар олдида муҳим вазифа қилиб қўйилди. Жумладан, диний кадриятларни халқимизга қайтариш, улардан тарбия қуроли сифатида фойдаланиш даврининг муҳим вазифаларидан бирига айналди. Ана шу жараёнда С.Аббаев ҳам фаол қатнашди. Мақолалари билан матбуотда мунтазам чиқиб турли, муаммо юзасидан тақлиф ва мулоҳазаларини ўртага ташлади. Мақолалардан ташқари мавзуга доир алоҳида алоҳида китоблар ҳам чоп эттирди. Олимнинг гоҳ ўзи, гоҳ ҳаммуаллифлигида ёзилган "Виждон эркинлиги ҳақида суҳбат", "Ислом ва руҳий маданият", "Демократия ва дин", "Мустақиллик ва ислом" китоблари айнан диний кадриятларнинг жамият ва инсон ҳаётидаги ўрни ҳамда аҳамиятини илмий асослаб беришга қаратилган янги тадқиқотлариди.

Миллий мафкура умрбоқий аънаналар, миллий кадриятлар, миллий маданиятимизнинг бой тажрибалари замида шаклланади ва тараққий этади. Уни шакллантириш ва тарғиб этиш жараёнида ижтимоий фан соҳа ходимларининг хизматларини жамоатчилик яхши билади. Хусусан, бу жараёнинг Қорақалпоғистон Республикасида амал қилинишида С.Аббаев тадқиқотларининг ҳам ҳиссаси борлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Олимнинг "Маънавият ва маърифат асослари", "Маънавий янгилаш – келажакка оид йўл" каби китобларида илгари сурилган гоялар, илмий хулосалар мутахассисларни берадиган қолдирмайди.

Сўнгги йилларда наинки Ўзбекистоннинг, балки бутун жаҳонни ташвишга солаётган терроризм, диний экстремизм каби оқимлар, бузғунчи таъкилотлар пайдо бўлди. Инсониятга жиддий хавф солаётган бундай бало-офатларга қарши курашилмоқда, уларнинг разил мақсадлари, жирканч қиёфалари фош этилмоқда. Бу борада кўплаб мақолалар, китоблар босилмоқда, телекўрсатувлар ташкил этиляпти. Сапардурди Аббаев Қорақалпоғистонда бу борада энг фаол тадқиқотлар олиб бораётган олимлардан бири, десак хато бўлмайди. Унинг "Терроризм ва диний экстремизм – инсониятга хавф", "Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари" ва кўплаб туркум мақолаларида турли хил оқимларнинг пайдо бўлиш тарихи, инсоният учун бениҳоят хавфлилиги кескин қораланади. Бу китоблар халқимиз, айниқса, ёшлар учун ана шундай ёт оқимларга қарши кураш олиб боришда қўлланма вазифасини ўтамоқда.

Сапардурди Аббаев фаолиятининг бир қирраси бевосита олий ўқув юрти билан боғлиқ. У яхши пайдоғо-олим. Олий таълим тизимининг фидойиларидан бири. Салкам ўттиз йилдан бери талабаларга дарс беради. Унга "Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими" фахрий унвонининг берилганлиги фикримизга аққол далил бўла олади.

Каримбой ҚУРАМБОВЕВ,
филология фанлари доктори, профессор,
Илья ДИЛЬМАНОВ,
филология фанлари номзоди, доцент

Бундан бир неча йил олдин Ғаллаорол туманидаги Мирзабулоқ қишлоқ фуқаролар йиғини раислигига Улуғбек Рискўлов сайланди, аҳоли ўртасидаги аҳиллик, ҳамжиҳатлик янада мустаҳкамланиб, ободонлаштириш, боғроғлар барпо этиш ва кўкаламзорлаштириш ишлари жонланиб кетди.

Кўпдан эътиборсиз ётган клуб маҳалла-қўй ва кўча оқсоқолларининг бир тану бир жон бўлиб уюштирган хашари туфайли қайтадан таъмирдан чиқарилди. Аҳоли учун кутубхона, сартарошхона, ҚВП, спорт зали ва фельдшерлик пункти ишга туширилди.

Халқимизнинг боқий кадриятларидан бирига айланган хашар қизгин тус олди. Ўзи яшаб турган ҳовлини, маҳалла гузарини саранжом-саришта сақлаш, турар-жойлар атрофида турли меваги дарахтларга ўтказиш, гулзорлар барпо этиш азалий одатларимиздан. Биргина ўтган йилнинг эрта баҳоридан ўтказилган 1200 туп манзарали, 500 туп меваги дарахт

● БОҚИЙ КАДРИЯТЛАР

АҲИЛ МАҲАЛЛА

ШУ ТУФАЙЛИ ҚИШЛОҚЛАР
ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

кўчатлари кўкка бўй қўзиб қолган. Хашар йўли билан йўллар текисланиб, асфальт ётқизилди. Бундай хайрли ишларни кўриб кўзингиз қувонади, албатта. Шу кунларда дарахтларга шакл бериш, оқлаш, бўш майдонлар ва йўлакларни текислаб ярашиқли қилиб қўйиш давом эттирилмоқда.

Маҳалла аҳолисининг маънавий ва маърифий жиҳатдан баркамоллигини таъминлаш ва юксалтиришда бир қатор ибратли ютуқлар кўлга киритилди. Маҳалладаги кутубхонада китобхонлар билан доимий ҳамкорлик қилиб бориш, турли хил тадбирлар ўтказиб туриш аънамага айланди. Жумладан, "Меҳр-муруватли бўлиш – олий ҳиммат", "Маҳалла жамоаси ўтмиш билан келажакни боғловчи кўприк", "Маҳалла келажак буюк давлатнинг устунидир" каби мавзуларда бўлиб ўтган суҳбатлари барчада чуқур таассурот қолдирди.

Бугунги кунда Қизилкўрган, Болғали, Кетмончи, Хонақа ва

Найман қишлоқлари қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгариб, аҳоли яшаш тарзи кундан-кун яхшиланиб бормоқда. "Энг обод маҳалла", "Энг кўркам кўча", "Энг саришта хонадон" кўрик танловлари вақти-вақти билан ўтказилиб, голибларга эсдалик совғалари берилди. Шунингдек, "Ибратли келин" кўрик-танлови ўтказилиб, унда Моҳира Анқабоева голиб топилди. Дилбар Абдуллаева ва Сайёра Исоқова ҳам шу каби тадбирларда фаол қатнашганликлари учун рағбатлантирилди.

2010 йилда Андижон, Шохимардон ва Самарқанд шаҳарларига саёҳат уюштирилди. "Қалпоқ" ижодий гуруҳи меҳнатқашлар ҳузурида ўз репертуарларини намоиш қилдилар. Бундан ташқари маҳалладаги бир гуруҳ фаоллар Жиззах шаҳрининг кўзга кўринарли уй-музейларида бўлишиб, бои таассурот билан қайтишди.

Абдулла САИДОВ,
Жиззах вилояти

● КЎМАК

ВАТАНПАРВАР ЁШЛАР —
ЮРТ КЕЛАЖАГИ

Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Бойсун тумани кенгаши тасарруфидоги ўқув спорт техника клубида бир қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Ташкилотнинг асосий мақсади ҳарбий ватанпарварлик тарбиясини амалга ошириб, техник мутахассислар ҳамда оммавий касбдаги ходимлар тайёрлаш, спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш каби вазифаларни бажаришда давлат ташкилотларига кўмаклашишдан иборат. Ташкилотнинг ёшларини Ватанга садоқат ҳамда миллий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишлари билан бир қаторда аҳолининг барча қатламларини кенг қамровли оммавий спорт мусобақаларига жалб қилиш билан боғлиқ ишлари ҳам таҳсинга лойиқдир. Буни ташкилот томонидан ўтган йилда вомидан ўтказилган кўплаб тадбирлар мундарижаси ҳам аққол кўрсатиб турибди.

Айниқса, "Баркамол авлод" йили Давлат дастури доирасида ўтказилган бир қатор тадбирларни алоҳида эътироф этиш мумкин. Масалан, ўтган 2010 йилнинг 26 май кунини спортнинг "Хаво милтигидан ўқ отиш" тури бўйича ўтказилган тадбирда Жаҳон Қодиоров, Дилшод Эшмуродов ва Фазлиддин Ҳамиджонов каби бойсулик иқтидорли ёшлар юқори кўрсаткичларни кўлга киритдилар. Голиблар мусобақа ташкилотчиси бўлган туман мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти тасарруфидоги ўқув спорт техника клубининг фахрий ёрлиги ҳамда қимматбаҳо совғаларига сазовор бўлдилар.

Таъкидлаш жоизки, мазкур ташкилот Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Болалар спортини ривожлантириш туман бўлими, маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳамда халқ таълими бўлими билан яқин ҳамкорлик қилиб келади. Айниқса, ўтган йили тумандаги 2-сонли умумтаълим ўрта мактабидан "Сиз қонунни била-варлик руҳида тарбиялаш ишлари билан бир қаторда аҳолининг барча қатламларини кенг қамровли оммавий спорт мусобақаларига жалб қилиш билан боғлиқ ишлари ҳам таҳсинга лойиқдир. Буни ташкилот томонидан ўтган йилда вомидан ўтказилган кўплаб тадбирлар мундарижаси ҳам аққол кўрсатиб турибди.

Ҳозирги вақтда тўртта спорт тўғраги фаолият олиб борапти. "Хаво милтигидан ўқ отиш", "Авиамодел", "Папкетмодел" ва "Автокўпкураш" тўғрақларида 75 нафар ўқувчи-ёшлар мунтазам қатнашиб келади. Шу билан биргаликда турли тоифадаги автотранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва дастурга мувофиқ транспорт воситалари ҳайдовчилари билан йўл ҳаракати қоидалари ва ҳаракат хавфсизлиги фанидан 30 соатлик машғулот олиб борилаётган ва уларга махсус гувоҳнома берилди.

Рақамлар шуни кўрсатадики ташкилотда ўтган йил давомида ҳайдовчи мутахассислар тайёр-

лаш режаси 182 фойизга бажарилган. "В", "ВС" тоифалар бўйича 328 та ҳайдовчилик гувоҳномаси ўз эгаларига топширилган. Ҳўжалик ҳисобида иш юритаётган ташкилот пулли хизмат режаларини мунтазам бажариб келаяпти. Олинган даромадлар эъзизга кейинги икки йил давомида ўқувчиларнинг амалий машғулотлар олиб боришлари учун замонавий енгил автомашиналар сотиб олинди. Бундан ташқари ташкилот тасарруфидан мавжуд бўлган турли русумдаги автомашиналар таъмирдан чиқарилади. Шунингдек, спортнинг техник ва амалий турини ривожлантириш мақсадида ўтказилган тадбирлар учун 1 млн. 654 минг сўм маблағ сарф қилинди. Тумандаги кам таъминланган оила ва ногиронлар ҳам ташкилотнинг эътиборидан четда қолгани йўқ. Ана шу мақсадда моддий ёрдам сифатида 195 минг сўмлик маблағ сарфланди.

Айни кунларда жамоа аъзолари 14 январь – Ватан Ҳимоячилари кунига бағишланган тадбир ўтказиш учун алоҳида тайёргарлик кўраётганлиги.

Жамоада ўз касбининг жонқуяриларига жуда кўп. Кўп йиллардан буюн самарали меҳнат қилаётган Худойберди Нормуродов, Даврон Руҳиддинов каби ўқитувчилар, Қамол Раҳимов, Шухрат Нормуродов каби уста ўргатувчилар хизматидан кўпчилик ёшлар баҳраманд бўлмоқдалар. Шу билан бирга Шарбат Холова, Шохиста Қурбонова ва Шаҳноза Холова каби ходимлар хизмати ҳам эътирофга лойиқ.

Алишер РАҲМОНОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг

"ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЖУРНАЛИСТИ — 2010"
танловига марҳамат!

Хурматли ҳамкасблар!

Ҳаётимиз китобидан яна бир саҳифа ортда қолди. 2010 йил эл-юртимиз, Ватанимиз учун ҳар жиҳатдан мазмунли, берақали ва омадли бўлди. Юртимизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Мамлакатни янгилаш, иқтисодиётни модернизация қилиш, халқимизнинг турмуш фаровонлигини янада яхшилаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш борасида катта ютуқларга эришилди. "Баркамол авлод йили" Давлат дастури доирасида ёшларни жисмонан ва маънан соғлом, давр талабига мос интеллектуал билим ва касбга эга бўлган замонавий инсонлар бўлиб вояга етишларини таъминлашга қаратилган салмоқли ва хайрли ишлар қилинди.

Халқимизнинг эришаётган бу ютуқлари, олижаноб мақсад ва сазй-ҳаракатларини кенг ёри-

тишда оммавий ахборот воситаларида фаолият кўрсатаётган сиз, журналистларнинг хизматларингиз катта.

Азиз ҳамкасблар, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси сизларни "Йилнинг энг фаол журналисти – 2010" танловида қатнашишга тақлиф этади. Танловга 2010 йилнинг 1 июнидан 2011 йилнинг 1 июнигача газета ва журналларда, интернет нашрларида эълон қилинган материаллар, эфирга узатилган телекўрсатув ва радиозастиртишлар қабул қилинади.

Материаллар танловга таҳририят тавсияси билан Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг Қорақалпоғистон Респуб-

ликаси ва вилоятлар бўлимлари орқали жорий йилнинг 5 июнигача тақдим этилади.

Ижодий ишлар намуналари билан биргаликда муаллифнинг иш жойи, телефони, манзили ҳақидаги маълумотлар ва паспорт нусхаси илова қилиниши керак.

"Йилнинг энг фаол журналисти – 2010" танлови голиблари ва совриндорларига диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунига бағишланган 27 июнда ўтказиладиган байрам тадбирида топширилади. Тақдирланганлар рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Материаллар "Йилнинг энг фаол журналисти – 2010" танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси
3-қават, 30-, 35-, 37-хоналар
Телефонлар: 244-64-61; 244-64-62; 244-37-87.
E-mail: ijod@sarkor.uz

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

Самолёт эскирганми?

Эронда ҳалокатга учраган «IranAir»га тегишли самолёт сабаблари ўрганилмоқда.


Техрондан юздан ортиқ одам билан парвоз қилган «Боинг-727» русумли самолёт Урмия шаҳри яқинида ҳалокатга учраган. Қарийб 30 нафар йўловчи тан жароҳати олган, ҳалокатдан 50 киши омон қолган. Расмийларга кўра, учиб белгиланган вақтидан бир соат кечикиб парвоз қилган ва об-ҳаво ёмонлиги боис қулаб тушган, шунга қарамай, портлаш ёки ёнган юз бермаган. Кузатувчиларнинг сўзларига кўра, ҳалокатга «Боинг-727» самолётининг эскиргани сабаб бўлган бўлиши мумкин.



Электроник кўргазма — ҳаммаси шу ерда

Лас-Вегас (АҚШ)да «Consumer Electronics Show (CES)–2011» халқаро электроника кўргазмаси очилган.

Унда Sony, Samsung, Toshiba, LG, Microsoft, Google, Verizon, Motorola каби уч мингта яқин компания иштирок этмоқда. Кўргазмада маиший электроника, компьютер техникаси, мобил технологияларга оид кўплаб турдаги янги маҳсулотлар намойиш этилмоқда. Тадбир доирасида Google Android 3.0 мобил операцион тизимининг Honeycomb номли янги лойиҳаси, BlackBerry PlayBook янги планшет компютери ва Microsoft корпорацияси томонидан яратилган Windows операцион тизимининг янги кўриниши тақдим этилди. АҚШда 1967 йилдан буён ўтказилаётган маскур кўргазма иштирокчилари сони икки юз мингдан ошиши кутилмоқда.



«British Airways» зарари

Буюк Британиянинг «British Airways» авиакомпанияси 2010 йилни эллик миллион фунт стерлинг зарар билан якунлаган.

Маскур авиакомпания моддий аҳолийнинг ёмонлашуви ва табиат инжикликлари сабаб бўлган. Давом этаётган қор ва кучли бўрон оқибатида юзлаб рейслар бекор қилинган. Маълумотларга қараганда, декабрь ойида юк ташиш ҳажми ўн фоиз, йўловчи ташуви эса 8,3 фоиз қисқарган. Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, қор бўрони гирдобидида қолган Европа ва АҚШ авиакомпанияларида ҳам мингга яқин рейс бекор қилинган. Йўллардаги қор қатламининг қалинлиги ва музлагани сабабли автотрассаларда ва темир йўлларда қатор муаммолар юзга келмоқда.



2010 йил декабрь ойидан буён

Австралияда сув тошқини давом этмоқда.

Қарийб 80 нафар одам дом-дараксиз кетган. Сўнгги ҳабарларга кўра, Тулумба шаҳри атиги 3 соат ичида сув остида қолган. Расмийларнинг фикрига қараганда, табиий офатдан қурилган зарар тобора кўпайиб бормоқда. Австралияда тинимсиз ёмғирдан кейин бошланган сув тошқини 2010 йилнинг декабрь ойидан буён давом этмоқда. 200дан зиёд шаҳарлар сув остида қолган ёки ташқи дунёдан узилган, 200 мингдан ортиқ одам жароҳатланган.



Шанхайдан кейин Пекинда

Пекинда дунёдаги энг баланд бино қурилиши бошланган.

Иморатни қуриш учун 1,3 миллиард АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланади. Бинонинг асосий қисмини етти юлдузлик меҳмонхона, савдо ва соғломлаштириш маркази эгаллайди. Бугунги кунда Хитойдаги энг баланд бинолар Шанхайдаги савдо маркази (552 метр) ҳамда қурилиши якунланган Шанхай минораси (632 метр) ҳисобланади.




Хорижий ОАВ хабарлари асосида тайёрланди

БИЗНИНГ ШАРҲ

Германиядаги қорамолчилик ва паррандачилик фермаларида санитария эпидемиология назорати ходимлари текширув ишларини давом эттирмоқда. Бу мамлакатдаги 4 ярим мингдан ортиқ фермалар фаолияти тўхтатиб қўйилди. Бунга қорамол бўлиши ва товуқ тухумларида инсон саломатлиги учун ўта хавфли бўлган диоксин моддасининг топилганлиги сабаб бўлган.

ДИОКСИН ЕВРОПАГА ХАВФ СОЛМОҚДА

ШУ БОИС МИНТАҚАНИНГ КўПЛАБ ДАВЛАТЛАРИДА ОЗИҚ-ОВҚАТ ЭКСПОРТ ВА ИМПОРТ САВДОЛАРИДА ЧЕКЛОВЛАР ҚўЙИЛДИ



16 та федерал ернинг 11 тасида диоксинга оид моҳоро ҳамон тўхтагани йўқ. Айниқса, Куйи Саксония ерида вазият оғир. Қўхна қитъадаги кўпгина мамлакатлар диоксин вавасасига тушиб, гўшт маҳсулотлари ва товуқ тухумларини импорт қилишдан воз кечган. «Harles and Jentsch» немис фирмаси устидан жиноий иш қўзғатилди. Айнан ушбу жамоа Европанинг 25 та комбикорм ишлаб чиқарувчиларига хомашё ётказиб берган. Қорамол ва паррандаларга бериладиган 3 минг тоннагача ем омуктасига диоксин аралаштирилганлиги аён бўлган. Омукта ётказиб берувчи фирма раҳбари Зигфрид Зиверт хозир тергов қилинмоқда. Уни бир неча йиллик қамоқ жазоси кутаяпти.

Шу ўринда диоксин ҳақида икки оғиз сўз. Мутахассислар фикрига кўра, бу ўта токсик техноген модда инсон саломатлигининг қушандаси ҳисобланади. АҚШ атроф-муҳитни муҳофаза қилиш агентлиги хозирга қадар диоксиннинг 75 та фураннинг 135 та, полихлорбифенилнинг 209 тасини аниқлашган. Яна бир маълумотга қараганда, ушбу модданинг миллиондан бир улуши 30 миллионга денгиз мушукларини ўлдириш хусусиятига эга экан. 100 фг/кг. миқдоридаги диоксин АҚШнинг Буюк Қўллардаги барча фарель баликларининг икрасини-увилдиригини йўқ қила олади.

Умуман, XX аср бошлари ва иккинчи жаҳон уруши йилларидан сўнг кимё, нефть-кимё са-

ноати, таркибида хлор бўлган диоксиндан кенг фойдалана бошланди. Агар инсон зарарланган товуқ, чўчка ёки мол гўшти, саригё, сут, она сүти билан озиқланса, йил сайин диоксин миқдори кўпайиб бориб, охири у ўзининг таъсирини кўрсатади. Ушбу кимёвий моддадан заҳарланиш ҳолатлари кўп содир бўлган. 1976 йили Италиянинг Севесо шаҳридаги корхонада авария юз бериши оқибатида 10 минглаб одамлар диоксиндан заҳарланган. 1997 йили эса Венадаги тўқимачилик комбинатида 5 нафар ишчи оғир аҳволда шифохонага ётқизилганди.

Энди бевосита Германияда диоксин билан заҳарланган маҳсулотлар хусусида тўхталасак. Таъкидлаб ўтилганидек,


комбикормда диоксин моддаси топилганидан сўнг минглаб паррандачилик фермалари ёпилди. Омукта ва озиқ-овқатларда заҳарли модда диоксинни излаш давом этмоқда. Диоксинли тухум ва гўшт маҳсулотлари Куйи Саксония билан Куйи Шимолий Рейн-Вестфалия ерида сотилаётганлиги ҳам маълум бўлди. Дюссельдорф университети токсикология департаменти вакили Томас Хаарманн-Штемманнинг сўзларига кўра, заҳарланган маҳсулотлар истеъмол қилганларда бепуштлиқ, туғма ногиронлик, онкология, иммунитет пасайиши, модда алмашинуви бузилиши, болаларнинг ривожланишдан тўхтаб қолиш каби аломатлари кўзга ташланади. Олимларнинг ҳисоб-китобига кўра, диоксин инсон танасида 30 йилгача сакланиб қолар экан. Шу боис, «Rewe» ва «Lidl» супермаркетлари «био» тамғаси остида сотувга қўйилган миллионлаб тухумлар пештахтадан олиб қўйилди. Бундан ташқари, Нидерландия орқали Украинадан Германияга олиб келинган ем омуктанинг кимёвий таркиби жиддий ўрганилмоқда. Маҳаллий ҳукуматнинг айтишича, диоксин Украинада харид қилинган маккажўхори дони таркибида бўлиши мумкинлигини ҳам тахмин қилмоқда. Маккажўхори донлари камида 9 та немис ерларидаги ҳўжаликларга жўнатишган.

Украина йилига миллионлаб тонна маккажўхори донини четга экспорт қилади. Шу жумладан, Европа Иттифоқи мамлакатларига ҳам. Айниқса, Испания энг кўп маҳсулот харид қиладиган давлатдир. 2008 йилда Франция ва Испанияга ҳам диоксинли Украин ёғи экспорт қилинган. Ушунда олиб борилган текширувларда бу кимёвий модда унчалик токсик хусусиятга эга эмаслиги аниқланганди. Ўтказилган яна бир текширувлар шуни кўрсатдики, баъзи ҳолатларда омукталардаги диоксин меъёридан 77 баробари кўплиги аён бўлди. Шундай бўлса-да, баъзи европалик таҳлилчилар озиқ-овқат маҳсулотлари таркибида бўлган оз миқдордаги диоксин инсон саломатлигига унчалик хавф солмаслигига ишонтирмоқда. Бироқ, мутахассисларнинг оғохлантиришича, бу оғу қианидан 150 маротаба хавфли эканлигини ҳам эслатишмоқда.

Диоксин моҳораси бошланганидан сўнг Жанубий Корея

Азимжон ПўЛАТОВ

ОРАМИЗДАГИ ҒАРОЙИБ ОДАМЛАР



даги каткус игнасини ўзаги билан олиб ташлашга муваффақ бўлишади. Энг қизиғи, жарроҳлар кесиб олган этда каткуснинг ҳақиқий илдизи ҳам аниқланган.

Бу воқеа ҳам ягона эмас. Хўдди шунга ўхшаш ҳодиса япониялик сайёҳ билан ҳам рўй берган. У АҚШ чўлларининг бирида саёҳат қилаётганида тўсатдан каткус игналарига урилиб кетди. Маълум муддатдан сўнг унинг танасидан каткус игналари ўсиб чиқа бошлаган. Албатта, бу воқеаларга оддий

тишларича, Лау (шифокорлар уни шундай аташган) икки маротаба оила қуриб, 23 нафар фарзанд кўрган. Шунингдек, ҳаёти давомида ҳеч қачон касал бўлмаган. Тўғрироғи, у шифокорларнинг таклифи билан фаолиятини йўқотган ошқозонини текшириш мақсадида жарроҳлик операциясини бошидан ўтказган, холос. Маълумотларга қараганда, Кордейруда Сильванинг иккинчи аёли тонгда манго шарбати ва сутни ичишга мажбурлаган экан. Шу билан унинг кунлик овқат истеъмол қилиши якунланган. «Одам -туя» термини илк бор оммавий ахборот воситалари ҳамда тадқиқотчилар томонидан 1957 йили қўлланилган. Шундан буён олимлар Лау емай-ичмай қандай тирик юришининг сабабини аниқлашга ҳаракат қилишмоқда.

«ОДАМ-ТУЯ»

Узоқ муддат овқат истеъмол қилмайдиган бразилиялик қария Кордейру да Сильвани шундай аташади.

Шифокорлар ҳамда тадқиқотчилар 76 ёшли қариянинг ҳеч нарса емай-ичмай ўзини тетик ҳис қилишининг сабабини йиллар давомида ўрганишган. Лекин, унинг сири ҳануз мавҳумлигича қолмоқда. Ай-

тишларича, Лау (шифокорлар уни шундай аташган) икки маротаба оила қуриб, 23 нафар фарзанд кўрган. Шунингдек, ҳаёти давомида ҳеч қачон касал бўлмаган. Тўғрироғи, у шифокорларнинг таклифи билан фаолиятини йўқотган ошқозонини текшириш мақсадида жарроҳлик операциясини бошидан ўтказган, холос. Маълумотларга қараганда, Кордейруда Сильванинг иккинчи аёли тонгда манго шарбати ва сутни ичишга мажбурлаган экан. Шу билан унинг кунлик овқат истеъмол қилиши якунланган. «Одам -туя» термини илк бор оммавий ахборот воситалари ҳамда тадқиқотчилар томонидан 1957 йили қўлланилган. Шундан буён олимлар Лау емай-ичмай қандай тирик юришининг сабабини аниқлашга ҳаракат қилишмоқда.

Махфуза ХУДАЙБЕРГАНОВА,
«Milliy tiklanish» муҳбири

РАНГИН ДУНЁ

Бизни ўраб турган олам ҳақиқатан-да сир-синоатларга бой. Мутахассислар дунё ғаройиботларини ўрганишга шу қадар муқкасидан кетишганки, ҳатто бу ҳақда мўъжизалар энциклопедияси ҳам яратилган. Маскур энциклопедия мавзуларга бой бўлиб, шундан «Орамиздаги одамлар» рукнидаги қизиқарли маълумотларни эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

«МИКРОСКОП» ОДАМ

«Микроскоп — одам» — камдан-кам учрайдиган ўта кучли қўриш қобилиятига эга инсон. XX асрнинг охирида америкалик рассом Жоди Остроитни айнан мана шундай ном билан атай бошлашган.

Жоди Остроит 15 ёшида ҳар хил буюмларни суратини чизаётганда жуда майда деталларни ҳам кўра олаётганини пайқаб қолади. У ўз қобилиятини рассомлик санъатида намоян эта бошлайди. 1997 йилда олимлар 29 ёшли мусаввирга тадқиқот ўтказишни таклиф қилишади. Шунда мутахассислар рассомдан ўсимлик баргининг ички тузилишини чизиб беришни сўрашади. Жоди инсон кўзи илғамас майда тўқималарни ҳам тасвирлаб беради. Олимлар фарқ қила олмасди. Ақлбо-вар қилмас қобилият олдида олимлар лол қолишади.

«КАКТУС» ОДАМ

«Кактус» одам — бу атама тиббиётда камдан-кам учрай-

диган ҳолатларда, яъни инсон организмда каткуснинг паразитлигига нисбатан қўлланилади. Бугунги кунда бу ҳақда тиббиётда махсус сўровнома-лар ҳамда оммавий ахборот воситаларида бу ҳақда маълумотлар чоп этилган.

Ереванлик 18 ёшли Нарине исмли қиз икки йил давомида бармоғидаги тиконларни суғуриб ташлашларини сўраб, му-рожаат қилмаган тиббиёт мас-канлари қолмаган. Нариненинг айтишича, 1995 йилда унинг қўлига беҳосдан каткус ўсим-лигининг игнаси тегиб кетган. Шундан сўнг Нарине ҳаётида энг дахшатли кунлар бошлан-ди. Шифокорлар унинг қўли-даги бир тиконни суғуриб олишса, сал ўтмай янғиси ўсиб чиқаверган. Айтишларича, Нариненинг бармоғидан ҳаммаси бўлиб 140 дона каткус игна-си олинган. Шундан сўнг, бе-мор тиббиёт университетида био-псия қилинган. Эмбриология ва гистология кафедраси профессори Азнавуряннинг таъкидлашича, Нариненинг им-мун тизими сусайган бир даврда каткус игнаси организм-га мослашиб олган ва танада илдиз ота бошлаган. Шундан сўнг жарроҳлар қизнинг қўли-

ПРЕМЬЕРА**ЯНГИ КИНО**

Алишер Навоий номидаги санъат саройида "Хиёнат" фильмининг тақдироти бўлиб ўтди.

Мазкур фильм БМТнинг "Марказий Осиёда ОИТС тарқалишининг олдини олиш" лойиҳаси асосида "Ўзбекино" миллий агентлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамкорлигида яратилди.

Тақдиротда юртимизда санъатнинг барча турлари каби миллий кинематографияни ривожлантириш борасида олиб борилаётган сайёҳаракатлар кўламига тўхталинди.

Тадбир давомида Орттирилган иммунитет танқислиги синдроми – ОИТС жаҳон миқёсида авж олиб бораётган ўта хавфли юқумли касаллик эканлиги ҳамда мамлакатимизда ушбу хасталикни олдини олишга доир профилактика чора-тадбирларига алоҳида эътибор қаратилаётганлиги таъкидланди. Мутахассисларнинг маълумотига кўра, ОИТС пайдо бўлгандан буён дунё бўйича 60 миллиондан ортиқ инсонни ўзининг зарари домига тортган. Мазкур эпидемия бошлангандан буён хасталик 26 миллиондан ортиқ кишининг умрига зомин бўлган.

"Хиёнат" фильмида ОИТСнинг инсон саломатлигига, ахил оилаларнинг бузилишига сабаб бўлаётгани ҳикоя қилинади. Шунингдек, гиёҳвандлик ортида турган бу хасталик ўзаро ишонсизлик ва хиёнатни келтириб чиқариши асосий планга кўтарилган.

МУТОЛАА**КИТОБХОНЛАР БАЙРАМИ**

Республика Болалар кутубхонасида болаларни қизиқарли китобларга ошно қилиш мақсадида китобхонлар байрами ўтказилди.

Тадбир давомида мамлакатимизда ёшларни ижтимоий муҳофаза қилиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, имконияти чекланган ўқувчи-ёшларга алоҳида меҳр кўрсатиш, уларнинг таълим-тарбия олиши учун зарур барча шароит ва имкониятни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда аҳоли ўртасида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, кутубхоналар фаолиятини янада яхшилаш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Йўғи-лишда меҳрибонлик уйлари-нинг тарбияланувчилари, жисмонан имконияти чекланган қатор ёшлар Республика Болалар кутубхонасида яратилган шарт-шароитлар, бу ердаги турли хил қизиқарли ва оммабоп китоблар билан яқиндан танишишди.

Икки юз йигирма мингдан зиёд китоб захирасига эга мазкур кутубхонада умумий ўрта таълим, махсус мактаб-интернатларнинг ўқувчилари, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига ахборот-кутубхона хизматини кўрсатиш, болаларни умумий ўрта таълим фанлари, илмий-бадний адабиётлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Болаларнинг ушбу маънавият масканидаги адабиёт, нутқ маданияти, компьютер саводхонлиги каби тўғарақларга жалб этилиши ўқувчилар билимининг бойиши ва мустақамла-ниши, бўш вақтини тўғри ва самарали ташкил этишга хизмат қилаётди.

Азиза ҚИЁСОВА

ИСТЕЪДОД

Расм машғулотида берилиб ижод қилаётган қизалоқнинг чизиларидан тарбиячи опа ҳайратга тушди. «Бунга ҳақиқий туғма истеъдод деса бўлади», кўнглидан ўтказди ва болаларга кўрсатиб мақтай-мақтай хонага осиб қўйди. Ҳафизанинг илк ижоди биринчи мартабу шу тариқа эътироф топди. Ҳарбий оила фарзанди бўлган қизалоқ тўртинчи синфгача ўзи туғилиб ўсган Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон туманидаги 5-сонли умумтаълим мактабида таҳсил олди. Бу пайтларда санъатга бўлган иштиёқи сабаб, рақс тўғарагига қатнашиб, унинг сирларини эгаллади. Мактабдаги турли тадбирларда иштирок этиб олақшларга сазовор бўлди. Бу орада ҳам уни расм чизишга бўлган иштиёқи тарқ этмади. Ҳар бир байрамда яқинларига тақдим этажак совғаси ўзи чизган расмлари бўларди.

БЕҒУБОР ОРЗУ — УМИДЛАР ИЖОБАТИ

УНДАГИ ИҚТИДОР ИЗЛАНИШ НАТИЖАСИДА НАМОЁН БЎЛДИ



Ҳафиза 5-синфдан бошлаб ўқишини Тошкент шаҳридаги 282- ҳамда 308-сонли умумтаълим мактабларида давом эттирди. Аълочилар сафида таҳсил олиш билан бирга 24-сонли болалар мусика мактабиде дутордан сабоқ олди. Устози Барно Исмаиловдан «Дуторим», «Дуторноласи», «Гилос», «Лола рақси» куйи каби бир қатор наволарни мукамал эгаллаб борди. Дам олиш кунларида эса Ҳамза туманидаги авиасозлар саройида ташкил этилган «Камалак» болалар рассомлик тўғарагига қатнаб, бу йўналишдаги ижодини ҳам тўхтатмади. Ўсмир ёшидаги навиҳол қизнинг бу қадар ғайрати, ҳарака-

ти, иқтидори ва албатта, билим олишга бўлган иштиёқи уни коллежга кирганидан сўнг ҳам тарқ этмади.

— Республика рассомлик коллежиде олган сабоқларим менин бу йўлдаги шаклланишимда катта аҳамият касб этди, дейди суҳбатдошимиз. — Бир қатор жонқуяр устозлардан, хусусан, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Анвар Мамажоновдан китобни безаш санъатидан билим олдим. Шунингдек, либослар дизайни билан ҳам шуғулландим. Ўқиш давомида рассомлик кўргазмаларида иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллашга муваффақ бўлдим. Албатта

эришган ютуқларимнинг барчасида устозларимнинг муносиб ҳиссалари бор.

Устозлари ҳақида меҳр ила тўлиб-тошиб гапирётган иқтидорли қаҳрамонимнинг самимий чехрасига боқиб, эзгу ният ила интилган инсонга ҳаммаша омад ёр бўлишини ҳис этдим. Дарҳақиқат, Камолитдин Бехзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институтига давлат гранти асосида қабул қилинган Ҳафиза айна дамда учинчи босқич талабаси. У амазайи санъат факультетига таҳсил олиш жараёнида шу соҳанин етук мутахассислари Елена Королюкова, Рихсвий Аюпов каби устозларидан ранг-тас-

вирнинг турли жанрлари — манзара, натюрморт, портрет, шунингдек, графика йўналишида сабоқ олиб келмоқда. У энг иқтидорли талаба сифатида Ўзбекистон Бадий академияси томонидан ўтказилган «Ёшлар — иллатларга қарши» танловида иштирок этиб, биринчи ўринни қўлга киритган бўлса, «Фонд-форум» уюштирган «Навқирон Ўзбекистон», «Style.uz.» кўрик-танловида эса сертификат ва дипломга сазовор бўлди.

Ўзбекистон Бадий академияси бошчилигида ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиладиган «Устоз ва шогирд» кўргазмасида ўзининг портрет ва манзара жанридаги асарлари билан қатнашиб устозлар назарида тушди. Унинг турли мавзулардаги эллиқдан зиёд асарлари кўргазмаларга қўйилди.

Ёш рассомнинг асарларига эътибор берман. «Бухоро кўчалари» мавзусидаги туркум ишлари, турли услубдаги рангбаранг натюрмортлар, Самарқанд, Бухоро меъморий ёдгорликлари, она юрт табияти, ўзбек халқ эртаклари қаҳрамонлари акс этган хилма-хил чизгилар, жаҳон адабиёти намоёндалари асарларига чизилган иллюстрациялар...

Бу ижод намуналарининг ҳар бири ўзига хослиги билан ажралиб туради. Сизни ўзининг гўзал оламига чорлайди, руҳингизга ҳаловат бахш этади. Беихтиёр рассомнинг сирҳи мўйқаламига, беқиёс иқтидори тан берасиз.

Институтда ўтказиладиган тадбирларда Ҳафизанинг дутор наволарига тушган рақслари унинг санъат йўналишида ҳам тажрибаси ошиб бораётганидан далолат.

Албатта, болалардаги қобилят ва иқтидор, аввало, оилада шаклланади, аждодлардан авлодларга мерос бўлади.

— Дадамнинг оналари Зулайхо бувим кашта гулларини чизишга ва тайиқига жуда уста бўлганлар, — дейди Ҳафиза. — Шу сабаб улар бутун маҳалла аёлларига кашта гулларини чизиб бериб, ёшларга устозлик қилганлар. Бувимнинг бу иқтидори менга ўтган бўлса, ажабмас.

Ҳа, Ҳафизадаги қизиқиш, иқтидор ва ғайратнинг чеки йўқ. У ўзи қизиққан ҳар бир соҳани пухта эгаллашга ҳаракат қилади. Қаҳрамонимиз сингари ватанимиз истиқболи бўлган баркамол авлоднинг сафи тобора кенгайиб бораётганидан қалбимиз гурӯрга тўлади.

Зулфия ЮНУСОВА

ЎГИТ

Керак бўлса сенга агар яхши ном,
Ясатма ташинг, дилни пок эт мудом.

Не фарқи бўлур сувга — бўлса зилол:
Агар кўза олтинми ёки сафол?

БИЛАСИЗМИ?

Инглиз жаҳонгашталари Кен Твайфорд ва Жеральд Смыюнглар оддий авторикада Ҳайдарободдан (Ҳиндистон) Ланкастерширгача (Буюк Британия) бўлган 19165 км.лик масофани 1999 йил 17 декабрдан 2000 йил 23 июнгача босиб ўтишган. Улар Ҳиндистон, Покистон, Эрон, Туркия, Греция, Италия, Франция ҳудудлари орқали белгиланган манзилга етиб боришган.

АҚШлик Курт Осборн Голливуддан (Калифорния, АҚШ) Орландогача (Флорида, АҚШ) бўлган 4569 км.лик масофани "ВМХ" велосипедининг орқа гилдирагиде босиб ўтди. Велосипед махсус жиҳозланган бўлиб, юмшоқ ўриндиқ ва тепки қулай тарзда ўрнатилган, олд гилдирак эса умуман олиб ташланган. Ўртача 16 км/с тезликдаги саёҳат 13 апрелдан 25 июнгача давом этган (1999) эди.

ТУРФА ОЛАМ**ДИНОЗАВРЛАР ШАҲРИ**

ХИТОЙНИНГ ШАНДОНГ ПРОВИНЦИЯСИДА
ДИНОЗАВРЛАР СУЯКЛАРИ МАВЖУД ДУНЁДАГИ
ЭНГ КАТТА ҲУДУД ТОПИЛДИ

Маълумотларга қараганда, 300 метр катталиқдаги макондан динозаврларга тегишли 7600 та суяк қолдиқлари топилган. Улар орасида 20 метрли Хадрозавр махлуқининг суяги ҳам бор. Ҳозирча мазкур топилма дунёда катталиги бўйича рекорд кўрсаткичга эга бўлиб турибди. Топилмалар провинциянинг Зучэнг шаҳридан қазиб олинди. Маҳаллий аҳоли томонидан "Динозаврлар шаҳри" деб аталувчи бу маконда илгари ҳам ўтмишда яшаган ўттизга яқин улкан махлуқ қолдиқлари топилган эди.

**НОМАЪЛУМ ЎРМОНЛАР**

БИР ГУРУХ БОТАНИКЛАР "GOOGLE EARTH"
ЙЎЛДОШИ ЁРДАМИДА МОЗАМБИКНИНГ ТОғЛИ
ҲУДУДЛАРИДА ҲОЗИРГАЧА ФАНГА НОМАЪЛУМ
ЎРМОНЛАР БОРЛИГИНИ АНИҚЛАШДИ

Шу чоққача илмий экспедиция бу ердан фанга мутлақо номаълум бўлган тирик организмларнинг бир неча хилларини аниқлашга муваффақ бўлган. Уларнинг орасида уч турдаги капалак ва судралиб юрувчи жонзотлар ҳам бор. Шунингдек, қалин ўрмонда мингдан ортиқ ўсимлик навлари борлиги тахмин қилинмоқда. Тадқиқот гуруҳи раҳбари Жонатан Тимберлэйкнинг фикрича, йўлдош тизими ва интернет ўртасидаги тезкор алоқа мураккаб рельефли ва беқарор вазият ҳукмронлик қилаётган ўлкада масофадан туриб аниқлаш имконини берган. "Google Earth" ёрдамида олиб бориладиган бундай изланишлар яна қандай муждалар олиб келишини вақт кўрсатади, албатта.

**ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯ**

ГЛАЗГО УНИВЕРСИТЕТИ ОЛИМЛАРИ КОМПЬЮТЕР
ВОСИТАСИДА ИНСОН ҚИЁФАСИНИ АНИҚЛАШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШДИ

Эндиликда электрон машина одамни юз ифодаси орқали таниш имкониятига эга бўлади. Синов чоғида 25 нафар машҳур кишиларнинг йигирмага яқин сурати текшириб кўрилган. Компьютер турли давр ва ҳолатда олинган фотосуратларни таҳлил қилиб, суратда акс этган қиёфа эгасини салкам 54 фоиз аниқликда таний олган. Айрим мутахассислар инсон шахсини компьютер воситасида тўла аниқлаш ҳақида гапириш ҳали эрта эканини таъкидламоқда. Уларнинг фикрича, бу борада янада яхши натижаларга эришиш учун тадқиқотларни давом эттириш керак. Айни пайтда мазкур дастурлардан Сидней аэропортида фойдаланилмоқда.

**КОИНОТ БОЙЛИКЛАРИ**

ОЛИМЛАР САТУРН САЙЁРАСИНИНГ ТАБИЙ
ЙЎЛДОШИ ТИТАНДА КАТТА МИҚДОРДА ФОЙДАЛИ
ҚАЗИЛМА БОЙЛИКЛАРИ БОРЛИГИНИ АНИҚЛАШДИ

"Кассини" сайёралараро станциясининг радарлари орқали олинган сурат ана шундай ҳулосага асос бўлган. Титан кўп жиҳатдан ерга ўхшаб кетади. Шу пайтга қадар бу ердан метан кўли топилган. Қолаверса, "Кассини" аппарати Титанда булутлар борлигини ва вақти-вақти билан бу ерда "ёмғир" ва "қор" ёғиб туришини тасдиқлаган. Қор-қора тепаликлар эса йўлдошнинг 20 фоиз сатҳини қоплаган бўлиб, углеводород маҳсулотлари сайёраимиздаги кўмир конларига қараганда бир неча юз мартаба кўп эканидан далолат беради.



Зафар МУҲАММАД тайёрлади

АНЖУМАН

Пойтахтда "Ўзбектуризм" миллий компанияси ҳамда Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамкорлигида сайёҳлик соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантиришга бағишланган конференция бўлиб ўтди.

ТУРИЗМ ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДА

Анжуманда сайёҳлик инфратузилмасини янада ривожлантириш, Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳиятини хорижда кенг тарғиб этиш, унинг замонавий турларини шакллантириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётгани алоҳида таъкидланди.

Эътироф этиш керакки, кейинги йилларда туризм со-

ҳасида малакали мутахассислар тайёрлашга катта эътибор қаратилмоқда. 1999 йилдан буён Тошкент Давлат иқтисодиёт университети қошидаги "Халқаро туризм" факультети, 2004 йилдан Самарқанд Иқтисодиёт ва сервис институтининг "Туризм" факультети ва 2008 йилдан Тошкент шаҳридаги Сингапур менеджментни ривожлантириш институтининг "Туризм" факультети фаолият юритиб келмоқда.

— Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларида 4 та туризм касб-ҳунар коллежларида 12 минг нафарга яқин ўқувчилар туризм соҳаси бўйича касб-ҳунар ўрганиб келишмоқда, — дейди "Халқаро туризм" факультети ўқитувчиси Зулфия Одилова. — Шу билан бирга, "Ўзбектуризм" миллий компанияси қошидаги Республика ўқув-илмий консалтинг маркази томонидан қисқа курсларда — инглиз, немис, француз, рус, италия, испан, япон, корейс тилларидан гид-таржимонлар, туроператорлар, меҳмонхона мазмурияти ходимлари, ресурсларни ҳўжалиги мутахассисла-

ри, "Буюк ипак йўли"да жойлашган шаҳарларимизнинг тарихий-меъморий мероси ҳақида 22 та методик қўлланма ва 10 дан ортиқ электрон ўқув қўлланмалар тайёрланган.

Сайёҳлик аҳоли турмуш даражасини юксалтириш, қўшимча иш ўринлари ташкил этиш ва халқаро муносабатларнинг мустақамламлишига хизмат қилади. Мамлакатимизда замонавий меҳмонхоналар ҳамда дам олиш масканлари сони тобора кўпайиб, сервис хизмати тўбдан яхшиланаётди. Янги сайёҳлик йўналишлари ишлаб чиқилаётгани, мавжуд транспорт коммуникациялари таъмирланиб, янгилари барпо этилаётгани соҳанин янада тараққий этишига хизмат қилмоқда.

Йўғи-лишда юртимизда тўрт мингдан зиёд тарихий ва маданий ёдгорлик мавжудлиги ҳамда бой маънавий ва маданий меросимизни ўрганиш ва ривожлантириш, қадимий обида ва меъморий ёдгорликлари тиклаш, таъмирлаш ва асраб-авайлашга эътибор қаратилаётганлиги алоҳида эътироф этилди.

MILLIY TIKLANISH

2011 йил учун «Milliy tiklanish» ижтимоий-сиёсий газетасининг ЭЛЕКТРОН НУСХАСИГА ҳам обуна бўлинг!



«Milliy tiklanish»-га тезкор усулда обуна бўлишни истасангиз, «Mahagon anime studio» масъулияти чекланган жамиятининг 311-56-33, 281-54-77 телефонларига (e-mail: info@mahaon.uz, www.citybook.uz, www.soho.uz) мурожаат қилинг!

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ Аҳтам ТУРСУНОВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Фолибшер ЗИЯЕВ, Суван НАЖБИДДИНОВ, Мухаммаджон КУРОНОВ, Гафуржон МУҲАМЕДОВ, Улугбек МУҲАММАДИЕВ, Шоира УМАРОВА, Рустам ҚОСИМОВ, Эркин ЮСУПОВ, Баҳодир ШАРОФОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

Бош муҳаррир: Жалолиддин САФОВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

ТЕЛЕФОНЛАР: (8-371) Кабулхона 234-69-55, Партия бўлими (факс): 234-01-47

Бош муҳаррир ўринбосари 234-87-74, Бухгалтерия 234-87-73, Компьютер хонаси 234-86-41.

Ҳажми 8 ёмса табоб офсет усулида босилди. Қоғоз биними А-2

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй